

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА\_10

2022 й. «22» 2

2022-248-6-91-ТВ-сон

Наманган ш.

Низом асосида фаолият юритувчи Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) Ш.Хайдаров номидан низом (ишончнома) асосида бир томондан ва “OZIQ-OVQAT NAM” МЧЖ фаолият юритувчи (кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади) раҳбар Ш.М.Қирғизбоев, иккинчи томондан, кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер буюртмачининг Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар хар куни буюртмачини муассаса беъморларига иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Томонлар бажарилган ишларнинг йўғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб буюртмачи Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархи ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. 2020 йил 10 январдаги №16-сонли Ўзбекистон Республикаси ВМнинг “ССВ тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 2-боб 7-бўлимида кўрсатилганидек сарфланган маҳсулотлар нархи суммасига устига **20** фоизгача устама ҳақи олиш;

2.1.8. Фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат тиббиёт ташкилотига сметасида ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан копланди ҳамда ижара шартномаси асосида вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш хоналари, асбоб ускуналари, идиш товоқлар ва мебеллардан фойдаланганлик учун тўлови 0,0 нол ставка бўйича белгиланади. 2020 йил 10 январдаги №16-сонли ВМнинг “ССВ тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 4-боб, 13-бўлимида кўрсатилган.

2.1.9. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш, сақлаш, носоз холга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш.

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши; Ошхона ҳудудига бегона шахсларга киришига йул қўймаслик;



2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олди ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат буюртмачининг гигиена санитария қоидалари, ҳамда нормалари ва тугагунига қадар эса тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (қўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, лозим даражада фойдасидан келиб чиқиб биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирган ҳолда, буюртмачидан биноларни мебелларни, (хоналарни), инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига: жумладан озиқ-овқат омбори ва бошқа қирим қиким ҳужжатларига аралашмаган ҳолда фақатгина тайёр бўлган овқатлардангина синамалар олиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида бир ой олдин аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларни қийматини белгиланган тартибда тўлаши лозим;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойдаги жами сумма хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар;

### **III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **242 811 000 (Икки юз қирқ икки миллион саккиз юз ўн бир минг) сўмни** ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб- китоблар бажарилган йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади. Буюртмачи амалдаги қонунчиликда кўрсатилган муддатларда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 % фоиз аванс тўловини



олдиндан ижрочи ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қолган 70 % миқдордаги тўловни бажарилган ишлар қабул қилиб олгач шу ойнинг узида ҳисоб фактурага асосан ўтказиб беради.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида бир ойлик буюртмада курсатилган, белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

#### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига бир йилда бир маротаба ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### **V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

#### **VI. Форс-мажор ҳолатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

#### **VII. Яқунловчи қоидалар**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмининг ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### **VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати**

8.1. 8.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи” ва “Хизмат кўрсатувчи” томонидан тасдиқланиб, ҳудудий газначилик бўлинмаларида руйхатга олингандан сўнг кучга киради ва шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил “ 31 ” декабрга қадар амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2019 йилдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора



тадбирлари тўғрисида” ги қарори 2-бўлим "в"-бандида кўрсатилганидек “битимнинг амал қилиш муддати давлат хусусий шерик томонидан белгиланади. Бунда у 3 йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги керак”лиги курсатиб ўтилган. Демак битимнинг амал қилиш муддати сметадаги ажратилган маблағлар қаноатлартирган тақдирда келгуси йил учун янги шартномалар тузиш орқали ёки қўшимча шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари ҳамда крсатилган муддатларида бажарилган ва ҳисоб китоб тўлик тугалланганидан сўнг келгуси йил учун ёки келгуси давр учун шартнома янгидан тузилади ёки қўшимча шартнома орқали давом эттирилади.

### IX. Яқуний қоидалар


9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги **коррупцияга қарши кураш талаблари**, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

"Истеъмолчи" "Таъминотчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Таъминотчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистан Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

9.3 Мазкур Шартнома 3 (уч) нусхада тузилиб, барча нусхалар айнан бир хил ва тенг кучга эга.

### Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

<p align="center"><b>«Аутсорсер» «Oziq-Ovqat nam» МЧЖ</b></p> <p>Манзил: Наманган шаҳар, Шарк тонги мфй, Тошкент кучаси 1 уй х/в 20208000105360903001 Банк номи ТИФ «Миллий банк» Наманган МФО 00222                      СТИР 308299832</p>	<p align="center"><b>"Буюртмачи"</b></p> <p>Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси <b>Манзил: Н.Номонгоний кўча 25-уй</b> <b>Тел: 69 227-83-81</b> <b>х/р:100022860144017073101054009</b> <b>ИНН: 200056368</b> <b>Банк: Марказий банк</b> <b>МФО: 00014</b> <b>ОКЭД: 86100</b></p>
<p>Рахбар  Ш.М.Қирғизбоев</p>	<p>Рахбар  Ш.Хайдаров</p>



Юрист

3.Умаров

Лицензия раками № 004710

Иш жойи: \_\_\_\_\_



# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 25864 на приобретение Иссик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Способ проведения электронный

Дата 16.02.2022

Время рассмотрения 08.02.2022 16:20

Конкурсная комиссия Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SABIROVA MISHARAB TASHPULATOVNA	Бошлик уринбосари	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси
<b>Секретарь комиссии</b>	AXMADJANOV A'ZAM ASKARDJANOVICH	Хомашё хисобчиси	Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	MUXITDINOV ISLOMJON IKROM O'G'LI	Бош хисобчи ўринбосари	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	TURSUNOV AZIMJON AKRAMOVICH	Озиқ-овқат хисобчиси	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	NURMIRZAYEVA XAKIMA MAXMUDJANOVNA	Пархез таомлар хамшираси	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	TURG'UNBOYEV XOSHIMJON USMONJON O'G'LI	Бош хисобчи ўринбосари	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.02.2022 года № лота 25864.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Иссик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун
Количество товара	10 200.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	15 880.00
Стартовая сумма	161 976 000.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Иссик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун
Количество товара	5 100.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	15 880.00
Стартовая сумма	80 988 000.00
Валюта	UZS



По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иссик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорнинг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот ҳолатда эмаслиги, танлов ташкилотчиси ёки буюртмачи билан судлашмаётганлиги ёки арбитраж муҳокамасида эмаслиги, шунингдек, аввал тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбурияти йўқлиги тўғрисида кафолат хати (иловада); (0-10 балл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OZIQ-OVQAT NAM	10	кафолат хати иловаси билан такдим қилинади	8	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	10	илова қилинади	6	Экспертная		

Критерий №2 Иссик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (ташкилотнинг муҳри босилган ҳолда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OZIQ-OVQAT NAM	10	мавжуд маълумотнома иловаси	8	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	10	гувоҳнома	7	Экспертная		

Критерий №3 Иссик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение

Описание: Тиббиёт соҳасида камида 1 йил аутсорсинг хизматлар кўрсатган бўлиши (Тиббиёт муассасаларидан маълумотнома); (0-10 балл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OZIQ-OVQAT NAM	10	илова қилинади	8	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	10	илова қилинади	6	Экспертная		

Критерий №4 Иссик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение



Описание: Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19.03.1993 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларида шифобахш овқатланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 122-сонли буйруғи талабларига мувофиқ таомнома шакллантириш ва овқат сифатини мазкур буйруқ талаблари асосида етказиб бериш; (0-20 балл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OZIQ-OVQAT NAM	10	таквимий меню такдим килинади	9	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	10	таквимий меню такдим килинади	6	Экспертная		

Критерий №5 Иссик овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорлар томонидан инвестиция киритиш орқали муассаса ошхонасини таъмирлаш, мавжуд жиҳозларни замонавийлари билан алмаштириш. (0-20 балл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OZIQ-OVQAT NAM	20	жамиятимиз томонидан мавсумий жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади	16	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	20	инвест киритилади	12	Экспертная		

Критерий №6 Иссик овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши; (0-10 балл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OZIQ-OVQAT NAM	10	ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ	7	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	10	ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ	7	Экспертная		

Критерий №7 Иссик овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов талабгори тугрисида умумий маълумот, овқатланиш йўналишида Аутсорсинг усулида ёки бошқа турдаги умумий овқатланиш фаолиятини ташкил этиш тажрибасининг мавжудлиги ( камида 1 йил иш стажига эга булиши); (0-10 балл)



Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO OZIQ-OVQAT NAM	10	тажриба малакаси илова килинади	8	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	10	жамият асосан таъминот килган	7	Экспертная		

Критерий №8 Исик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг ходимлари малака талаблари, ошпазлар ҳақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўрикдан ўтганлиги, ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма) (ошхона ходимлари) ҳақида маълумот (иловада). (0-10 балл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO OZIQ-OVQAT NAM	10	ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ОШПАЗЛАРИ МАВЖУД КУЙИДА ИЛОВА КИЛИНАДИ	8	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	10	илова килинади	6	Экспертная		

Критерий №9 Исик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун

Тип: Текстовое значение

Описание: Моддий техника базасига эга бўлиши (логистика базаси яъни, корхона балансида автомашина, Мева-сабзавотларни сақлаш учун омборхоналар мавжудлиги, Тез эскирувчи озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун музлатгичлар ва зарур сифимлар мавжудлиги) ("Давлат ҳаридлари тўғрисида"ги Қонуннинг 36, 37, 39-моддаси); Ташкилот томонидан тасдиқланган маълумотнома (0-10 балл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO OZIQ-OVQAT NAM	10	моддий тех баъзаси илова килинади	9	Экспертная		
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	10	моддий тех баъзаси илова килинади	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
OOO OZIQ-OVQAT NAM	242 964 000.00	242 811 000.00	15.02.2022 10:43:13	10.00



BARAKA-TA'MINOT- OOO MCHJ	242 964 000.00	242 964 000.00	15.02.2022 10:56:26	9.99
------------------------------	----------------	----------------	------------------------	------

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО OZIQ-OVQAT NAM	72.9	10	82.9
BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ	57.6	9.99	67.59

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 25864 от 16.02.2022 года на приобретение Иссик овкат тайёрлаш Аутсорсинг хизматиучун определила победителем:

ООО OZIQ-OVQAT NAM  
308299832

и резервный исполнитель: BARAKA-TA'MINOT-OOO MCHJ (306823617)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SABIROVA MISHARAB TASHPULATOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NURMIRZAYEVA XAKIMA MAXMUDJANOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MUXITDINOV ISLOMJON IKROM O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURSUNOV AZIMJON AKRAMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURG'UNBOYEV XOSHMJON USMONJON O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП